

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХУДАЯРОВ ОЙБЕК ОДИЛОВИЧ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ
ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of Philosophy (PhD) on economical
sciences**

Худаяров Ойбек Одилевич

Тижорат банкларига балансдан ташқари операцияларни такомиллаштириш..3

Худаяров Ойбек Одилевич

Совершенствование забалансовых операций в коммерческих банках.....27

Khudoyorov Oybek Odilovich

Improving off-balance sheet operations in commercial banks.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХУДАЯРОВ ОЙБЕК ОДИЛОВИЧ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ
ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt529 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Обломуродов Нарзулла Наимович**
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Каралиев Шербек Турабоевич
иктисодиёт фанлари номзоди

Этакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 24 12 соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кучаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур кучаси, 60А-уй. Тел : (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «09» 12 куни тарқатилди.
(2020 йил «09» 12 даги №54 рақамли реестр баённомаси)



Т.З.Тешабасев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Н.Н.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини ривожлантириш фойдасиз даромадлар ҳажмини ошириш имконини бергани ҳолда, улар фаолиятидаги иқтисодий рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Хусусан, опцион ва фьючерслар валюта ва фонд рискини бошқаришнинг муҳим инструментлари ҳисобланса, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар банк миқозларининг тўлов рискини минималлаштиргани ҳолда тижорат банкларига юқори даромад келтиради. “Жаҳон деривативлар бозорида сўнгги йилларда валюта фьючерслари билан амалга оширилган операциялар ҳажми 30 фоиздан ошди”¹. Бу эса, балансдан ташқари операциялари ҳажми тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. Лекин шунга қарамадан ривожланаётган давлатлар тижорат банкларида ҳамон балансдан ташқари операциялари салмоғи жуда пастлигича қолмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлар Марказий банклари, Халқаро валюта жамғармаси, Базель қўмитаси каби бир қатор молиявий ташкилотлар томонидан тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот изланишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг шакллари ва турларидан комплекс фойдаланиш, тижорат банкларини қафолат бериш боғлиқ бўлган операциялари, валюта опционлари ва фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар кўламини кенгайтириш, тижорат банклари фаолиятидаги рискларни бошқаришда балансдан ташқари операцияларнинг ролини ошириш илмий асосда тадқиқ қилинмоқда. Аммо, мазкур тадқиқот ишларида тижорат банклари фаолиятида молиявий рисклар даражаси юқори бўлган, банкларнинг валюта захираларининг диверсификация даражаси паст бўлган шароитда балансдан ташқари операцияларни ривожлантириш имкониятлари очиб берилмаганлиги билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, рақамли иқтисодиётда тижорат банклари рақобат муҳитини кучайтириш ва натижада миқозларга замонавий банк молиявий хизматларини кўрсатишдан иборатдир. Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда балансдан ташқари операциялар муҳим омил саналсада, бу борада республикамизда илмий-назарий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Хусусан, тижорат банклари амалиётида валюта опционлар ва фьючерслар мавжуд эмас, шунингдек банклар томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг 90 фоиздан ортиқ қисмини таъминланган аккредитивларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. “Валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини

¹FIA releases annual trading statistics showing record ETD volume in 2018. www.futuresindustry.org/downloads/FIA_Annual_Volume_Survey.

такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантириш² устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб колмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини ривожлантиришнинг алоҳида олинган назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар – А.Шамраев, В.Берник, Г.Чибриков, О.Херши, С.Самсонова, Л.Красавина, К.Астапов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган³.

Диссертация мавзусининг баъзи йўналишлари ва алоҳида жиҳатларини маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан – Н.Жумаев, Н.Абраев, Ж.Исаков, Т.Каралиев, Т.Бобакулов, У.Азизов, У.Абдуллаев, Х.Каримов, Ш.Абдуллаева, Ф.Ахмедов, Э.Шодмоновларнинг илмий ишларида тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган⁴.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сон Фармони. (lex.uz/docs/3326421)

³Шамраев А.В. “Регулирование документального аккредитива в праве США” //Деньги и кредит. - Москва, 2001 - №6 - С. 52; Берник В.Р. “Обеспечение исполнения обязательств” М.: Аналитика-Пресс, 1998 - С.32; Чибриков Г. Г. “Финансовый кризис и методы его преодоления” URL:<http://www.econ.msu.ru/>; Hershey O. Letters of Credit. - Harvard Law Review. - Vol. 32 - P. 1 (1918).; Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные отношения” - М. фис, 2013 - С. 173-176.; Самсонова С.С. “Мировой рынок внебиржевых деривативов: реформа и текущее состояние” // Финансовая аналитика. - 2014 - № 18 - С.71.; Астапов К.Л. “Развитие рынка деривативов Российской Федерации в контексте решения стран” «Группы 20» // Деньги и кредит. - 2013 - № 6 - С. 60.

⁴ Н.Х.Жумаев “Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш” Т. “Фан ва технология”, 2007. – 286 б.; У.Азизов, Т.Каралиев ва бошқалар “Банк иши”-

Бирок, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини ривожлантириш масаласи муस्ताқил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқот иши Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТИ-3 “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларида балансдан ташқари операцияларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг балансдан ташқари операциялари хусусидаги илмий-назарий қарашларни тадқиқ қилиш;

тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини ривожлантириш борасидаги хориж тажрибасини ўрганиш;

жаҳон деривативлари бозорининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

республика тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш;

тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг Акциядорлик-тижорат банкларининг балансдан ташқари операциялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, эконометрик ва статистик таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

Дарслик: Т. “Iqtisod-Moliya” 2015, 544 б.; Ш.З. Абдуллаева “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” Т., “Iqtisod-Moliya”, 2005 й., 604 б.; Т.И.Бобақулов “Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари” и.ф.д., илм. дар.ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 33 б.; Ф.Х.Ахмедов “Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога қўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш” и.ф.д., илм. дар.ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 24.; Х.Каримов “Влияние тренда валютно-обменных рисков на платежный баланс страны//Основные направления дальнейшей модернизации и повышения конкурентоспособности национальной экономики” Материалы VIII Форума экономистов. – Ташкент: ИПМИ, 2015. - С. 87-93.; Э.Ш.Шодмонов “Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари” икт. ф.н. илм. даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: БМА, 2005. – 22 б.; Т.И. Бобақулов, Ж.Я.Исаков, У.А.Абдуллаев, Н.К.Абраев, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар” Дарслик: – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2018. – 148 б.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўловга лаёқатли миқозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан экспорт қилинадиган товарлар сифатига ва импорт қилинадиган товарлар учун тўловга бериладиган кафолатлар ҳажмини ошириш асосланган;

тижорат банклари томонидан миқозларнинг тўлов мажбуриятлари учун очиладиган аккредитивларнинг умумий ҳажмида, ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг салмогини кўпайтириш орқали аккредитивлар қамровини кенгайтириш таклиф этилган;

даромад келтирадиган баланسدан ташқари операцияларнинг валюта опционлари ва фьючерслар турлари ҳажмини ошириш асосида тижорат банкларнинг фойдасиз даромадлари ҳажмини кўпайтириш асосланган;

муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражага келган қисмини тижорат банкларининг баланسدан чиқариш орқали кредит портфелининг сифат кўрсаткичи оширилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илгор хориж тажрибасига таянган ҳолда валюта опционлари ва фьючерслари муомаласини ривожлантириш мақсадида, биринчи навбатда инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш ҳамда миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллигини пасайтиришнинг зарурлиги асосланган;

валюта опционлари ва фьючерслари муомаласининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

тижорат банкларининг баланسدан ташқари операцияларига таъсир килувчи омилларнинг таъсир этиш даражалари баҳоланган;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тўловсизлик муаммосининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда кизил хошияли аккредитивлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ҳамда трансферабелли ва револьверли аккредитивлардан фойдаланишни банк амалиётига жорий қилишнинг зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлилига, илгор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик ва амалий маълумотларга асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар келгусида тижорат банкларининг баланسدан ташқари активлари ва мажбуриятларининг оптимал тарқибини шакллантиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар тижорат банкларининг фаолиятида баланسدан ташқари операцияларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларида

балансдан ташкари операцияларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўловга лаёқатли мижозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан экспорт қилинадиган товарлар сифатига ва импорт қилинадиган товарлар учун тўловга бериладиган кафолатлар ҳажмини ошириш таклифи АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил учун “Бизнес-режаси мижозлар базасини шакллантириш” бўлимида фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йил 11 ноябрдаги 10-09/5321-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни қўллаш натижасида АТ “Алоқабанк” мижозларининг тўлов мажбуриятлари юзасидан бериладиган кафолатлар ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 3,6 фоизга ошишига эришилган;

тижорат банклари томонидан мижозларнинг тўлов мажбуриятлари учун очиладиган аккредитивларнинг умумий ҳажмида хужжатлаштирилган аккредитивларнинг салмогини кўпайтириш орқали аккредитивлар қамровини кенгайтириш таклифи АТ “Алоқабанк”нинг банк назоратлари бўйича ҳисоботларининг 0126BS-шакл 1-иловасида ўз аксини топган (АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йил 11 ноябрдаги 10-09/5321-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида АТ “Алоқабанк” томонидан очилган аккредитивлар умумий ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 6,8 мартага ошиши таъминланган;

даромад келтирадиган балансдан ташкари операцияларнинг валюта опцион ва фьючерс турлари ҳажмини ошириш асосида тижорат банкларнинг фоизсиз даромадлари ҳажмини кўпайтириш таклифи АТ “Алоқабанк”нинг банк назоратлари бўйича ҳисоботларининг 0204IS-шакл 1-иловасини шакллантиришда фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йил 11 ноябрдаги 10-09/5321-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалга ошириш натижасида АТ “Алоқабанк”нинг балансдан ташкари операциялар бўйича фоизсиз даромадлари 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 15,7 фоизга ошган;

муддати ўтган кредитларнинг йўл кўйиш мумкин бўлган чегаравий даражага келган қисмини тижорат банкларининг балансдан чиқариш орқали кредит портфелининг сифат кўрсаткичини ошириш таклифи АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йилга мўлжалланган “Кредит сиёсати”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йил 11 ноябрдаги 10-09/5321-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий этиш натижасида АТ “Алоқабанк”да ҳисобдан чиқарилган кредитларни бошка кўзда тутилмаган ҳолатларининг умумий ҳажмидаги салмоги 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 0,2 фоизга ўзгаришига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан 1 таси

хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметига тавсиф берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кайд этилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг илмий-назарий асослари ва хориж тажрибаси”** деб номланган биринчи бобида иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашлари тадқиқ қилинган ва уларнинг амалий аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, ушбу бобда банкларнинг балансдан ташқари операциялари хусусидаги илмий-назарий қарашлар ва уларнинг амалий аҳамияти ҳамда тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг норматив-ҳуқуқий асослари ва тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг илгор хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Ривожланган давлатлар тижорат банклари яқин йилларда комиссиян даромад олишга қаратилган балансдан ташқари фаолиятини сезиларли даражада кенгайтирдилар. Мазкур фаолият кенгайтиши анъанавий кредитлаш тизимини қисқаришига олиб келмоқда.

Банклар бухгалтерия ҳисобини Марказий банк томонидан белгиланган коидалар асосида ишлаб чиқилган ички ҳисоб-китоб сиёсатиға мувофиқ ташкил этади ва юритади⁵.

Юртимиз иқтисодчи олимларидан Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиевлар балансдан ташқари ҳисобварақларға қуйидагича таъриф берган: “Балансдан ташқари моддалар баланс активлари ва пассивларига алоқаси бўлмаган бойликлар, ҳужжатлар, топшириқномаларни ҳисобға олиш мақсадида қўлланилади”⁶. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, балансдан ташқари ҳисобварақларда банк балансига алоқадор бўлмаган операциялар ҳисобға олинади.


Банк операциялари балансда акс этирилишиға қараб икки турға бўлинади:

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 5.11.2019 й.

⁶ Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 196 б.

1. Банк балансида тўғридан-тўғри ҳисобга олинган операциялар;
2. Банк балансидан ташқарида бўлган операциялар

Балансдан ташқари фаолиятнинг жадал ўсишига иқтисодий асос бўлиб, бугунги кунда корпорацияларда юзага келаётган молиявий рискларнинг ортиши ҳисобланади. Ҳосилавий қимматли қозғалар (деривативлар) молиявий рискларни хеджирлаш инструменти бўлиш билан бирга балансдан ташқари операциялар қаторига кириди.



1-расм. Тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг моҳияти⁷.

Мамлакатимиз тижорат банкларида балансдан ташқари операциялар банк балансининг активлари ва пасивларига алоқаси бўлмаган бойликлар, ҳужжатлар, топшириқномаларни ҳисобга олиш мақсадида қўлланилади. Тижорат банкларининг балансдан ташқари операциялари қуйидаги бўлимлардан иборат⁸:

- ҳосилавий инструментлар бўйича трансакциялари;
- қимматли қозғалар бўйича муддатли битимлар;
- карздорларнинг кредит ва лизинг мажбуриятлари;

⁷ Муаллиф томондан тузилди.

⁸ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. №773-17-сон, 13.08.2004 й.

банкнинг кредит ва лизинг мажбуриятлари;
активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари;
савдога оид молиялашлар;
ҳужжатли қимматли қогозлар бланкалари ва ҳужжатсиз қимматли қогозлар;
тўлов учун аккредитивлар ва бошқалар.

Тижорат банкларнинг балансдан ташқари операциялари банклар балансида якуний баланс ҳисобварақаларидан кейин жойлаштирилади.

Тадқиқот ишимизни ёритишда бир қатор хорижлик иқтисодчи олимларни фикр мулоҳазалари ўрганилди хусусан, россиялик таниқли иқтисодчи олим А.Малых банк балансдан ташқари операциялари ичида энг кўп қўлланиладиган ҳисоб-китоб шаклларида бири бўлган аккредитивлар тўғрисида ўз хулосаларини шакллантирган. Унинг қарашларига кўра, “ҳужжатлаштирилган аккредитив сотиб олувчи учун қуйидаги афзалликларга эга:

ҳужжатлаштирилган аккредитив сотиб олувчига тўловни товар жўнатилгандан сўнг тўлиқ олиш имконини беради;

ҳужжатлаштирилган аккредитив сотиб олувчига зарур бўлган транспорт ва тижорат ҳужжатларини олишни кафолатлайди;

ҳужжатлаштирилган аккредитив сотиб олувчига эмитент банкдан кўшимча молиялаштириш олиш имконини беради”⁹.

Яна бир россиялик таниқли иқтисодчи олимлардан бири Ж.Синкининг хулосасига кўра, “агар тижорат банки маълум сабабларга кўра, хеджирлашни амалга ошира олмаса, у хеджирлаш мақсадида балансдан ташқари усулларни, яъни ҳосилавий инструментларни – фьючерс, форвард, опцион ва свопларни қўллаши мумкин”¹⁰.

Ж.Синкининг ушбу хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Бунинг сабаби шундаки, республикамиз тижорат банкларида хорижий валюталар билан амалга ошириладиган форвард ва своп операциялари мавжуд аммо, мамлакат тижорат банкларида валюта опционлари ва фьючерслари мавжуд эмас.

Мамлакатимиз тижорат банкларини балансдан ташқари операциялари тўғрисида бевосита илмий тадқиқот иш амалга оширган иқтисодчи олимларимиз жуда ҳам кам. Лекин банкларнинг балансдан ташқари операцияларининг айрим турлари бўйича илмий тадқиқот олиб борган таниқли иқтисодчи олим Ф.Ахмедовнинг хулосасига кўра “республика тижорат банкларининг кафолатига асосланган форфейтинг кредитлари беришнинг анъанавий форфейтингдан фарқ қилувчи, янги тартибини амалиётга жорий қилиш зарур”¹¹. Унинг таклиф қилган форфейтинг хизмати анъанавий форфейтингдан тубдан фарқ қилади. Анъанавий

⁹ А. В. Малых Документарный аккредитив в международные торговли//Финансы и кредит. – Москва, 2007. – №47. – С. 20-31.

¹⁰ Дж.Синки Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблшер, 2017. – С. 807.

¹¹ Ф.Х.Ахмедов “Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога кўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш” и.ф.д., ил. даж. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 24.

форфейтингни республикамиз амалиётида қўллаб бўлмаслигининг асосий сабаби шундаки, республикамизда экспортчи ва импортчи корхоналарнинг биронтаси ҳам халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳоларига эга эмас.

Таниқли иқтисодчи олима Ш.Абдуллаева балансдан ташқари операциялар ичида валюта операцияларига кўпроқ урғу берган бўлиб, “валюта операциялари - бу хорижий валютада ва валютавий қимматликлар билан бўладиган олди-сотди операцияларидир”¹² деб таъкидлаганлар. Бундан ташқари, муаллиф ўз илмий адабиётларида банкларнинг хужжатлаштирилган аккредитивларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. “Хужжатлаштирилган аккредитив халқаро савдода тўловни суғурталаш борасида энг самарали ва кўп ёқлама усул ҳисобланади”¹³. Фикримизча, муаллиф томонидан ўз илмий адабиётларида хужжатлаштирилган аккредитивнинг балансдан ташқари операцияларда ҳам акс эттирилиши каби жиҳатларига тўхталиб ўтмаган.

Иқтисодчи олим Э.Шодмоновнинг фикрига кўра “хужжатлаштирилган аккредитивлардан аграр соҳа корхоналарининг ҳисоб-китоблар тизимида фойдаланиш кўламини кенгайтириш лозим”¹⁴.

Фикримизча, ҳақиқатдан ҳам республикамиз амалиётида хужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Чунки, хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасидаги тўловлар нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида нисбатан жуда кичик салмоғини эгаллайди.

Аммо, Э.Шодмонов аграр соҳа корхоналари учун хужжатлаштирилган аккредитивларнинг қайси шакллари ва турлари қулай эканлигига аниқлик киритмаган. Ҳолбуки, халқаро амалиётда хужжатлаштирилган аккредитивларнинг қуйидаги шакллари ва турларидан кенг фойдаланилади:

Шакллари:

чакириб олинмайдиган аккредитивлар;
тасдиқланмайдиган аккредитивлар.

Турлари:

стэнд-бай (*Stand-by*) аккредитиви;
револьверли (*Revolver*) аккредитивлар;
трансферабелли (*Transferabelli*) аккредитивлар.

Эътироф этиш жоизки, ҳозирги даврда чакириб олинмайдиган аккредитивлар халқаро савдони молиялаштиришда қўлланилмаяпти. Бунинг сабаби шундаки, ушбу аккредитив уни очган банк томонидан (импортёрнинг банки) исталган вақтда, томонларнинг розилигисиз, бекор қилиниши мумкин.

Юқоридаги олимларнинг илмий хулосалари асосида ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни шакллантирдик. ***Тижорат банклари балансдан ташқари операциялари*** бу - банк томонидан қабул қилинган ва келгусида амалга оширилган талаб ва мажбуриятлар йиғиндиси.

¹² Ш.З. Абдуллаева. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Т., “ИQTISOD-MOLIYA”, 2005 йил. 275 б.

¹³ Ш.З. Абдуллаева. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Т., “ИQTISOD-MOLIYA”, 2005 йил. 276 б.

¹⁴ Э.Ш.Шодмонов Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. и.ф.н., илм. даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: БМА, 2005. – 22 б.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг балансдан ташқари операциялари юқори даражада ривожланган бўлиб, бу биринчи навбатда, молия бозорларининг ривожланганлиги ва тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларини яхши йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади. Хусусан, Буюк Британияда тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг такомиллашган ҳамда, норматив - ҳуқуқий асоси шакллантирилган бўлиб, 1986 йилда “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Ушбу Қонунда деривативлар бўйича операцияларда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди¹⁵.

Фикримизча, илгор хориж тажрибасига таянган ҳолда, тижорат банкларининг валюта опционлари ва фьючерслари билан амалга ошириладиган операцияларини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Валюта опционлари ва фьючерслари муомаласини ривожлантириш мақсадида, биринчи навбатда инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш ҳамда миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллигини пасайтириш лозим.

Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

2. Валюта опционлари ва фьючерслари муомаласининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикасида “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги қонун мавжуд эмас. Шу сабабли, тижорат банкларининг валюта опционлари ва фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялари Марказий банкнинг алоҳида йўриқномаси билан тартибга солиниши керак.

Мазкур йўриқномада валюта опционлари ва фьючерсларининг турлари, амал қилиш муддатлари, баҳоларини шакллантириш механизми, аванс тўловлари миқдорини белгилаш тартиби, улар муомаласини тартибга солиш бўйича пруденциал меъёрлар ўз аксини топиши лозим.

Диссертациянинг **“Тижорат банкларининг балансдан ташқари операциялари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида деривативларнинг жаҳон бозори ва уни таҳлили ҳамда тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг жорий ҳолати таҳлили ва уни банк даромадини оширишга таъсири ва тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

XX аср 70-йиллари бошларидан бошлаб, жаҳон молия тизимининг либераллашиши ва етакчи валюталарнинг эркин сузиш режимига ўтиши деривативлар бозорининг ривожланишига кучли туртки берди. Деривативлар бозори дастлаб биржа бозори шаклида ташкил этилган эди. Аммо, ҳозирги кунда деривативлар бозори икки хил шаклда, яъни биржа бозори ва биржадан ташқари бозор шаклида фаолият кўрсатмоқда.

Эътироф этиш жоизки, деривативларнинг замонавий бозори фонд

¹⁵ www.bankofengland.co.uk. “Молиявий хизматлар тўғриси”даги қонун, Буюк Британия, 1986 й.

бозорининг мустақил сегменти сифатида ривожланиб бормоқда. 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда акциялар бозорида, валюта бозорида операцияларнинг юқори суръатларда ўсганлиги деривативлар бозорининг, шу жумладан, унинг сегментлари бўлган валюта опционлари ва фьючерслари бозорининг ривожланишига сабаб бўлди.



2-расм. Жаҳон деривативлар бозорида валюта фьючерслари ва опционлари билан амалга оширилган операциялар ҳажми, млрд. АҚШ доллариди¹⁶.

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2014-2016 йилларда валюта фьючерслари билан амалга оширилган операциялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, 2017 йилда мазкур операциялар ҳажми 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада (10,7 %) камайган. Бироқ, 2018 йилда валюта фьючерслари билан амалга оширилган операциялар ҳажми 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганини кўришимиз мумкин (29,5%).

2-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, валюта фьючерслари бозорининг сизими валюта опционлари бозорининг сизимидан сезиларли даражада катта. Бу эса, валюта фьючерсларини стандарт биржа шартномалари сифатида ўзига хос афзалликларга эга эканлиги ва валюта опционлари билан амалга ошириладиган операцияларни тижорат банклари учун юқори рискли операция эканлиги билан изоҳланади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, тижорат банкларнинг балансдан ташқари операцияларнинг турлари ва миқдорини ошириш орқали тижорат банкларнинг фоизсиз даромадлар ҳажмини кўпайтиришга эришилади.

Куйидаги жадваллар маълумотлари орқали валюта фьючерслари ва опционлари билан амалга оширилган операцияларнинг ҳудудий тақсимотиغا баҳо берамиз (1-жадвал).

¹⁶ FIA releases annual trading statistics showing record ETD volume in 2018. www.futuresindustry.org/downloads/FIA_Annual_Volume_Survey.

Халқаро миқёсда валюта опционлари билан амалга оширилган операцияларнинг минтақавий тақсимоти¹⁷, фоизда

| Минтақалар | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|---------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| Осиё | 55,9 | 82,5 | 85,6 | 86,4 | 89,8 |
| Европа | 16,0 | 4,7 | 5,5 | 4,4 | 2,7 |
| Лотин Америкаси | 2,9 | 1,5 | 1,2 | 0,9 | 5,5 |
| Шимолий Америка | 25,2 | 11,3 | 7,7 | 8,3 | 2,0 |
| Операциялар – жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2014-2018 йилларда валюта опционлари билан Осиё минтақасида амалга оширилган валюта операцияларнинг халқаро миқёсда валюта опционлари билан амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган ва жуда юқори салмоқни эгаллаган. Бу эса, Осиё давлатларида ва биринчи навбатда, Хитойда молиявий операциялар ҳажмини юқори суръатларда ўсаётганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, валюта опционлари билан Европа ва Шимолий Америка минтақасида амалга оширилган валюта операцияларнинг халқаро миқёсда валюта опционлари билан амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини пасайиши тенденцияси кузатилган. Бу эса, мазкур даврда валюта опционлари билан Осиё минтақасида амалга оширилган валюта операцияларнинг халқаро миқёсда валюта опционлари билан амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Деривативлар бозорини тартибга солишнинг мураккаб жиҳатларидан яна бири шундаки, битта ҳосилавий инструмент турли мақсадларда ишлатилиши мумкин: битта ҳолатда опциондан бир валютага иккинчи валютани сотиб олиш мақсадида қўлланиладиган конверсион операцияни амалга ошириш сифатида фойдаланилса, бошқа бир ҳолатда опциондан валюта рискинни хеджирлаш воситаси сифатида фойдаланилади.

Республикаимиз тижорат банклари томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисмини (90 фоиздан ортиқ) миқозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ташкил этади. Яъни, республикаимизда ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг таъминланганлик шаклидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда тўлов суммаси миқознинг жорий ҳисобрақамидан олиниб, алоҳида ҳисобрақамда депонент килинади.

Тижорат банкларининг балансдан ташқари операциялари таҳлилини банклар томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар таҳлилини кўриб чиқамиз.

¹⁷ Жадвал муаллиф томонидан FIA statistics. www.futuresindustry.org. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасидаги тўловлар миқдори ва даражаси¹⁸

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|-----------|
| | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
| Тўловларнинг жами суммаси, млрд сўм | 748017,7 | 673017,1 | 838628,4 | 640835,4 | 845622,2 | 1126936,1 |
| Хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловлар, млрд. сўм | 66 | 50 | 49 | 107 | 95 | 112 |
| Хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловларнинг жами тўловлар ҳажмидаги салмоги, % | 0,01 | 0,01 | 0,01 | 0,01 | 0,01 | 0,01 |

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, республикада тижорат банклари амалиётида хужжатлаштирилган аккредитивлар очиш операциялари ривожланмаган. Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг атиги 0,01 фоизи хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган.

Фикримизча, таъминланган аккредитивларнинг асосий камчиликлари қуйидагилардан иборат:

товарларни сотиб олувчига тегишли бўлган пул маблағларининг бир қисми унинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолади;

тижорат банки депонент қилинган пул маблағларига фоиз тўламайди;

депонент қилинган пул маблағларининг қиймати валюта rischi таъсирида пасайиши мумкин.



3-расм. АТ “Алоқабанк”да очилган хужжатлаштирилган аккредитивлар ва берилган кафолатлар миқдори¹⁹, млрд. сўм

¹⁸ www.cbu.uz. Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилган.

¹⁹ www.aloqabank.uz. Муаллиф томонидан АТ “Алоқабанк”нинг жамланма баланс ҳисоботлари асосида тайёрланди. 1-илова. 0126BS-шакл.

3-расмда келтирилган маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, 2015-2019 йилларда АТ “Алоқабанк” томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, асосан миждозларнинг тўлов маждбуриятлари бўйича очилган аккредитивлар бўлиб, АТ “Алоқабанк”нинг балансдан ташқари операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан иждобий ҳолат ҳисобланади.

3-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, 2014-2018 йилларда АТ “Алоқабанк” томонидан миждозларнинг тўлов маждбуриятлари юзасидан берилган кафолатлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг балансдан ташқари операцияларини ривожлантириш жихатидан иждобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, банк томонидан берилган кафолатлар миқдори 2019 йилда 2018 йилга нисбатан қарийб 2 мартага камайган. Таҳлил натижасида маълум бўлдики, тижорат банкларининг тўловга қобиллик даражаси юкори бўлган миждозлар гуруҳини шакллантирган ҳолда, тижорат банкларининг тўлов маждбуриятлари учун бериладиган кафолатлари ҳажмини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги вужудга келди.

Тижорат банклари томонидан бериладиган кафолатларнинг муҳимлиги шундаки, биринчидан, улар сотиб олувчиларни товарларни етказиб бериш шартларини бузилиши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарлардан саклайди; иккинчидан, етказиб берилган товарлар суммасини тўлик олиш имконини беради; учинчидан, тижорат банклари учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади; тўртинчидан, банкларнинг халқаро микёсда ракобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

3-жадвал

АТ “Туронбанк”нинг балансдан ташқари операциялари миқдори ва динамикаси²⁰

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|---|--------------|--------------|--------------|--------------|---------------|---------------|
| | 2014. | 2015. | 2016. | 2017. | 2018 | 2019 |
| Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва кафолатлар, млн. сўм | 14426 | 11268 | 32144 | 59602 | 195323 | 398594 |
| Хорижий валюталардаги балансдан ташқари операциялар, млн. сўм | 42743 | 152 | 529 | 7887 | 550 | 3711 |
| Балансдан ташқари операциялар – жами | 57169 | 11420 | 32673 | 67489 | 195873 | 402305 |

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан, АТ “Туронбанк” томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва берилган кафолатлар миқдори 2019 йилда 2014 йилга нисбатан жуда юкори суръатда (27,6 мартага) ошди. Бу эса, асосан тижорат банки томонидан миждозларнинг тўлов маждбуриятлари

²⁰ www.turonbank.uz. Муаллиф томонидан АТ “Туронбанк”нинг жамланма баланс ҳисоботлари асосида тайёрланди. 1-илова. 0126BS-шакл..

бўйича берилган кафолатлар миқдорининг юқори суръатларда ошганлиги билан изоҳланади.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, АТ “Туронбанк”нинг хорижий валюталардаги балансдан ташқари операциялари ҳажми 2014-2018 йилларда кескин камайиб кетган ва уларнинг 2018 йилдаги миқдори 2014 йилдаги миқдорнинг атиги 1,3 фоизини ташкил этган. Демак, АТ “Туронбанк”нинг хорижий валютадаги балансдан ташқари операцияларининг миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 98,7 фоизга камайган. Аммо, мазкур операциялар ҳажми 2019 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

4-жадвал

АТ “Асакабанк”нинг балансдан ташқари операцияларининг таркиби²¹, фоизда

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|--|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| | 2014 | 2015 | 2016 | 2017. | 2018. | 2019. |
| Фойдаланилмаган кредит линиялари | 4,2 | 11,3 | 39,5 | 24,3 | 4,4 | 2,9 |
| Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва кафолатлар | 60,6 | 58,7 | 54,4 | 73,2 | 62,9 | 69,6 |
| Хорижий валюталардаги балансдан ташқари операциялари | 24,9 | 21,5 | 1,8 | 0,9 | 32,6 | 0,0 |
| Бошқа балансдан ташқари операциялар | 10,3 | 8,5 | 4,3 | 1,6 | 0,1 | 27,5 |
| Балансдан ташқари операциялар – жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, фойдаланилмаган кредит линиялари суммасининг АТ “Асакабанк”нинг балансдан ташқари операциялари ҳажмидаги салмоги 2019 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, миқдорларни кредит линияси бўйича очилган кредитлаш лимитларидан фойдаланиш даражасининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2019 йилларда АТ “Асакабанк”нинг балансдан ташқари операцияларининг умумий ҳажмида очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва берилган кафолатларнинг салмоги юқори бўлган. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

банк кафолатлари тижорат банклари миқдорларига хом-ашё ва асосий воситаларни тўловни амалга оширмасдан туриб сотиб олиш имконини беради;

ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва кафолатлар тижорат банклари учун даромад манбаи ҳисобланади.

Амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2016-2018 йилларда ҳар уч тижорат банкларида – АТ “Алоқабанк”, АТ “Туронбанк” ва АТ “Асакабанк”да банклари томонидан миқдорларнинг тўлов мажбуриятлари учун очиладиган аккредитивларнинг умумий ҳажмида, ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг салмогини кўпайтириш орқали аккредитивлар қамровини кенгайтириш эришилади. Бу эса банкларнинг балансдан ташқари

²¹ АТ “Асакабанк” Банк назорати бўйича ҳисоботларга 1-илова. 0126BS-шакл.

операциялардан олинаган фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоги ошишига таъсир кўрсатади.

Диссертацион тадқиқотнинг ишини ёритиш жараёнида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, тижорат банкларининг балансдан ташқари операцияларига бир вақтнинг ўзида бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Бироқ, балансдан ташқари операцияларнинг ҳар бир турига таъсир этувчи омиллар ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани ҳолда айрим омиллар балансдан ташқари операцияларнинг барчасига таъсир кўрсата олади.

Республикамиз тижорат банкларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар билан амалга оширадиган балансдан ташқари операцияларига таъсир этувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг аккредитив фойдаланувчи юридик шахс мақомига эга бўлган миқдорларнинг тўловга қобиллик даражаси;

тижорат банкларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивларни ўзларининг кредитлари ҳисобидан тўлай олиш имкониятининг мавжудлиги;

АҚШ долларига 12 ойлик LIBORнинг даражаси билан сўмдаги 12 ойлик UZIBIDнинг даражаси ўртасидаги фарқ;

миллий валютанинг кадрсизланиш суръати;

инфляция;

депозитлар миқдорининг ўзгариши.

АТ “Алоқабанк” томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва уларга таъсир этувчи омилларнинг даражасига баҳо бериш мақсадида эконометрик таҳлил ўтказдик.

5-жадвал

АТ “Алоқабанк” томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва уларга таъсир этувчи омиллар²²

| № | Кўрсаткичлар | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|----|--|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|--------|--------|------|
| 1. | Банк томонидан очилган аккредитивлар миқдори млрд. сўмда | 7,6 | 9,1 | 15,5 | 9,6 | 21,5 | 6,6 | 12,3 | 39,4 | 73,8 | 87,1 |
| 2. | Банкнинг талаб қилиб олинган депозитлар миқдори млрд.сўмда | 118,0 | 134,0 | 177,0 | 223,0 | 271,0 | 339,0 | 405,0 | 1314,0 | 1036,0 | 1067 |
| 3. | Инфляция даражаси.(фонзда) | 7,3 | 7,6 | 7,0 | 6,8 | 6,1 | 5,6 | 5,7 | 14,4 | 14,3 | 15,2 |
| 4. | Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати. (фонзда) | 8,5 | 9,5 | 10,5 | 11,0 | 10,0 | 16,0 | 15,0 | 92,4 | 2,7 | 14,0 |
| 5. | Миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси. (фонзда) | 13,4 | 12,5 | 13,5 | 13,0 | 12,5 | 11,4 | 11,5 | 18,5 | 20,5 | 24,2 |
| 7. | Импорт, млрд. долл. | 8,8 | 10,5 | 12,0 | 13,8 | 13,9 | 12,4 | 12,1 | 14,0 | 19,4 | 24,3 |

Мазкур эконометрик таҳлил кўп омилли регрессион ва корреляцион усулда 2010-2019 йиллар маълумотлари асосида амалга оширилди. Натижавий омил қилиб, АТ “Алоқабанк” томонидан очилган аккредитив миқдори олинди, сабаб омиллари қилиниб эса, мамлакатимиздаги тижорат банкларининг депозитлари, инфляциянинг йиллик даражаси, сўмнинг АҚШ

²² Жадвал муаллиф томонидан АТ “Алоқабанк”нинг жамланма баланс маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

долларига нисбатан йиллик девальвация суръати, миллий валютадаги кредитларнинг ўртача ставкаси ва импорт ҳажми танланган.

